O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 5 ноябрь, № 229 (3504) Жума

## 26 декабрь
### Халқ. Демократия. Сайловлар

*Жамиятда муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтиши кўп жиҳатдан сайлов комиссиялари раислари ва аъзоларининг нечоғли ҳалол-поклигига боғлиқ. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркибини сайлашда ана шу тамойилларга амал қилинди. Албатта, элнинг обрў-эътиборли кишилари орасидан сайланган сайлов комиссиялари раислари, аъзолари ўзларига билдирилган бу ишончни чуқур ҳис этадилар.*

*82-Янгийўл сайлов округи 123,4 минг сайловчини ўз ичига олади. Ушбу округ сайлов комиссияси сайловолди тадориги ишлари билан бирга фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқидан онгли фойдаланиши учун ташвиқот-тарғибот ишларини ҳам ўтказмоқда. Шунингдек, сайловчилар ташабббускор гуруҳларидан келиб тушаётган ариза, имзоларни ҳам қонунда кўрсатилган вақт ичида текшириб берилишини таъминлаяпти.*




**СУРАТДА: (ўнгдан биринчи) комиссия раиси Владимир Муратов, аъзолар — Фароғат Эргашева, Хидирали Илолов ва Барно Бекмирзаевалар кунлик ишни режалаштирмоқдалар.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

### Сиёсий партиялар ва сайловлар:
## ЖАҲОН АМАЛИЁТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ

**САМАРҚАНД** шаҳридаги Ёшлар марказида «Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзуида халқаро давра суҳбати иш бошлади.

Тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган. Унда Олий Мажлис депутатлари, партияларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари, сиёсий партиялар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва фаоллари, шунингдек, дипломатик хизмат раҳбарлари, Буюк Британия, Германия, Италия, Россия, Украина, Япония ва бошқа мамлакатлардан келган сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, маҳаллий, хорижий ҳамда нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқдалар. Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори А. Раҳмонов қисқача кириш сўзи билан очди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В. Норов, Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Мустафоев, адлия вазирининг биринчи ўринбосари И. Абдуллаев мамлакатимиз сайлов қонунчилиги, кейинги йилларда киритилган ўзгартишлар ва ўзига хослик ҳақида гапирдилар.

Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар, жумладан, ЕХҲТ, ТАСИС, шунингдек, АҚШнинг Миллий демократик ва Халқаро республика институтлари, «Фридом хаус» ташкилоти экспертлари ҳам қатнашмоқда.

#### Халқаро анжуман

Халқаро анжуманда олтита мавзу доирасида шўъба мажлислари ташкил қилинди. Дастлабки кун тўртта шўъба мажлиси «Вакиллик демократия тизимида сиёсий партиялар: жаҳон тажрибаси ва давлат бошқарувининг турли шаклларида унинг намоён бўлиши хусусиятлари», «Демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро стандартлари ва замонавий сайлов тизимлари», «Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясида иштироки: стратегия ва тактиканинг умумий тамойиллари», «Қонунчилик сиёсий партиялар тўғрисида: халқаро тажриба ва уни Ўзбекистонда қўллаш хусусиятлари» мавзуларида ўтди.

Сайловларда эркинлик ва адолатни таъминлаш депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар ва давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масалалари бўйича кенг доирада фикр алмашилди. Демократик сайловлар ўтказиш борасида халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзаро мутаносиблиги, сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шўъба мажлисларида Осиё ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари институти (Италия) бош котиби Антонио Локкенинг, Миллий демократия институтининг (АҚШ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Ричард Глауб ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти эксперти М. Ельшов сиёсий партияларнинг фаолияти, ҳуқуқи, сайловлардаги иштироки масалаларига батафсил тўхталдилар.

Маърузалар юзасидан кечган мунозараларда сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҳамда партиялар қуйи ташкилотларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги фаолиятининг ҳуқуқий ва амалий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилди. Анжуманда таъкидландики, Ўзбекистонда халқаро тажриба асосида партиялар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси шаклланмоқда. Жумладан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун демократик кўппартиявийлик тизими асосларига оид конституциявий қоидаларни амалиётга татбиқ этиш механизмларини аниқлаб берди.

Анжуманнинг тўртинчи шўъба мажлисида Ж. Хопкинс университетининг Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Фредерик Старр «Сайлов жараёнлари ривожланишининг жаҳон тажрибаси» ҳақидаги, Гужарат штати сайлов комиссияси раиси (Ҳиндистон) Гурчаран Сингнинг «Ҳиндистон сиёсати ва сайловлар тартиби», МДҲ Ижрочи директори ўринбосари Валерий Кириченконинг «МДҲ мамлакатларида сайлов тажрибаси» мавзуидаги маърузалари тингланди.

Давра суҳбатининг биринчи иш куни ниҳоясига етди. Бу каби нуфузли тадбирлар сайловчининг ҳуқуқини янада тўлиқроқ англашга, сайловларнинг адолатли ўтишига хизмат қилади. Мамлакатимизда демократик жараёнларнинг янада такомиллашувига йўл очади.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёшлар марафони

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Тошкент Давлат юридик институти томонидан «Янги парламент — менинг келажагим» мавзуида ташкил қилинган марафоннинг учинчи босқичи бошланди. Мазкур марафонни ўтказишдан асосий мақсад ёшларнинг маданий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишдир. Марафон дастуридан «Ўзбекистон Республикасидаги сайловчининг ҳуқуқи», «Икки палатали парламент» мавзуларидаги маъруза, семинар ва тренинглар ўрин олган.**

**Таъкидлаб ўтиш жоизки, сайловнинг моҳиятига қаратилган ушбу марафоннинг биринчи босқичи март-апрель ойлари Тошкентда бўлиб ўтганди. Унда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими аъзолари ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талаблари фаол иштирок этганди.**

**Марафоннинг 2-босқичи июль-август ойларида «Ёзни «Камолот» билан» акцияси доирасида ўтказилди. Унда пойтахтнинг 50 та маҳалласи жалб этилди.**

**Бундан ташқари, 5-7 ноябрь кунлари Тошкентдан Жиззах ва Самарқандга ташвиқот автобуси йўл олади. Умуман, марафон доирасида республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида сайлов бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.**

**Отабек ЭШМАТОВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОЙИШИ*

## 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида

***Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар амалга оширилишини, зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш Дастурининг бажарилишини чуқур таҳлил қилиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида:***

1. 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузилсин.

2. Махсус комиссия минтақавий ишчи гуруҳларни тузсин ҳамда жойларга бориб бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида” 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сон Фармонига мувофиқ фермер хўжаликларини ривожлантириш жараёнларини чуқур таҳлил қилсин. Бунда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатларни қайта ташкил этиш натижасида тузилган фермер хўжаликларини ташкил қилиш тизимида ва уларнинг қишлоқ хўжалик фаолияти натижаларида, хўжалик юритиш механизми ҳамда уларнинг молиявий аҳволида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлганлигини ўрганиш;

қишлоқда фермерликни жадал ривожлантиришга йўл бермаётган, тўсқинлик қилаётган омилларни танқидий ўрганиб чиқиб, уларга принципиал баҳо бериш;

(Давоми 2-бетда).

#### Парламент назорати
## Акциядор манфаати қонун ҳимоясида

*Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси муҳокама қилинди.*

Қўмита раиси М. Умаралиев бошқарган ушбу йиғилишда Қорақалпоғистонда Қонун ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бугунги кунда Оролбўйида очиқ ва ёпиқ турдаги 234 та акциядорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Қонуннинг моҳияти ижрочиларга бевосита тарғиб қилиб келинмоқда. Депутатлар ишчи гуруҳи Қонун амалиётини ўрганиши давомида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Жумладан, акциядорлик жамиятларида қонун талаби даражасида иш ташкил қилинмаган. Оқибатда акциядорлардан юқори ташкилотларга, хўжалик судларига тушаётган ариза, шикоятлар сони ортган. Хусусан, хўжалик судларида шундай мурожаатларнинг 488 таси бўйича 131 та акциядорлик жамияти иши кўриб чиқилган. Уларнинг аксарияти дивидендларнинг кечикиб тўланаётганлигига оид. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, корпоратив бошқарув жорий этилмаган акциядорлик жамиятларида қонун талаблари бузилган. Бундай корхоналар раҳбарлари акциядорлардан маслаҳатсиз дивиденд пулларни корхонани ривожлантиришга, кредитни қоплашга ажратиб юборганлар.

Маълум бўлишича, корхоналарда ижро органлари раҳбарларининг акциядорлар олдидаги масъулиятини, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш учун директорлар билан шартномалар тузиш ҳақидаги умумий йиғилиш баённомалари юритилмаяпти. Баъзи акциядорлик жамиятларида Қонуннинг 110-моддаси талабига биноан тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, айрим акциядорлик жамиятлари раҳбарлари ҳали-ҳануз бошқарувнинг эскирган усулидан воз кеча олмаётганлиги ҳам акциядорларнинг қонун йўли билан кафолатланган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

*АҚШ президентлиги учун бўлиб ўтган сайловда Жон Керри ўз мағлубиятини тан олгандан сўнг, унинг рақиби Жорж Буш ғалаба қозонганлиги эълон қилинди.*



## «АМЕРИКА ўз сўзини айтди...»

У Керри бу кампанияни кўтаринки руҳ билан бошлашига қарамасдан, мағлубиятини мардларча қабул қилганлигини мамнуният билан таъкидлади. Буш Керрини муносиб рақиб сифатида баҳолади. Ўзини қўллаб овоз берган барча сайловчиларга миннатдорчилик билдирди.

— Америка ўз сўзини айтди,— деди Буш. — Янги президентлик муддатига сайланишим менга барча миллатларга мурожаат қилиш имкониятини берди. Биз битта мамлакатда яшаяпмиз ва битта конституцияга эгамиз, келажагимиз бир.

Буш ўз нутқида Америка иқтисодиёт, илм-фан ва бошқа барча соҳаларда тараққиёт ҳамда янги умидлар даврига қадам қўйганини эътироф этди. АҚШ Президенти Афғонистонда ва Ироқда демократия тамойилларининг кенг қулоч ёйишида Америка ўз ёрдамини аямаслигини ва бу давлатларда хизмат қилаётган америкалик аскарлар ўз уйларига фахр билан қайтишларига барчани ишонтирди. У яна Америка иттифоқчилар билан биргаликда терроризмга қарши курашни давом эттиришини таъкидлади.

— Ишонаманки, ҳар бир овоз ҳаётий зарурат каби Америка учун муҳим аҳамият касб этади. Охирги сўзни сайловчи айтади, — деди Жон Керри.

Бундан ташқари, у тарафдорларини тушкунликка берилмасликка чақирди. «Америка сайловларида мағлуб бўлмайди. Кимнинг ғолиб бўлиши муҳим эмас» дея таъкидлади у.

Жон Керри билан биргаликда вице-президентлик учун кураш олиб борган Жон Эдварс ҳам демократлар номидан халққа мурожаат билан чиқди.

— Биз ҳар бир овоз учун курашдик. Натижани эса ўзгартиришнинг имкони йўқ. Сайлов кампанияси тугалланган тақдирда ҳам биз курашдан тўхтамаймиз. Бу кураш энди бошланди, холос, — деди сенатор Эдварс.

Ж. Бушни биринчилардан бўлиб энг яқин ҳамкори — Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр табриклади.

Россия Президенти Владимир Путин Бушнинг муваффақиятини халқаро терроризмнинг мағлубияти дея баҳолади.

Маълумки, Ироқ масаласида Франция Президенти Жак Ширак Американи қўллаб-қувватламаганди. Шу сабаб орага бироз совуқчилик тушганди. Ширак Бушнинг иккинчи муддатга сайланиши икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш учун имконият эканлигини қайд этди.

Айни пайтда дунёнинг кўплаб давлатларидан Жорж Бушга табрик телеграммалари келмоқда.

**Юнус БЎРОНОВ.**

## Мамлакатнинг янги ахборот ресурслари

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида Республика Олий аттестация комиссияси ва Миллий кутубхона томонидан яратилган илмий-маърифий электрон ахборот ресурсларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳаридаги олий ўқув юртларининг илмий ишлар бўйича проректорлари, пойтахт ўқув муассасалари докторантлари, аспирантлар ва магистрлар иштирок этди.***

— Бугунги кунда дунё ахборот маконида интеграллашувнинг муҳим ютуғи миллий ахборот ресурсларини ташкил этишдан иборат, — деди кутубхона директори Абдусалом Умаров. — Кутубхонамиз томонидан “Туркистон тўплами”нинг электрон версияси яратилиши бунга яққол мисол бўла олади. Бу нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё илмий ҳаётида, балки бутун жаҳон маданиятидаги муҳим воқеа бўлди. Гап шундаки, 600 томдан иборат мазкур тўплам ҳақиқатан зарур нашр бўлиб, 1865 — 1917 йилларда минтақадаги фан, таълим, маданият соҳаларига оид ноёб маълумотларни ўз ичига олган. Шунингдек, ўлка ҳаётининг турли томонлари ҳақидаги далиллар билан бойитилган.

#### Тақдимот

Тўпламнинг электрон версияси ахборот-қидирув тизимига ва 60 гигабайтга яқин ҳажмдаги маълумотлар базасига эга.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Миллий кутубхона ва республикамиздаги бошқа 83 кутубхона eIFL лойиҳаси доирасида 2001 йилдан бошлаб Интернет ва CD-дисклар воситасида илмий-маърифий журналларнинг EBSCO Piblishihq компаниясига (АҚШ) тегишли 12 та маълумотлар базасига кириш имконига эга. Бунга бутун дунё бўйича 18 мингга яқин журналнинг электрон версияси киради. Уларнинг 500 дан ортиғи рус тилида. Бу дегани, ўзбекистонликлар энди турли фан соҳалари бўйича кенг маълумотлар жамланган кўплаб электрон журналларнинг тўлиқ матни билан танишишлари мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ProQuest компаниясининг маълумотлар базасига обуна бўлди. Бу деярли барча фан соҳалари бўйича бир ярим миллион авторефератларнинг маълумотлар базасидан фойдаланиш имкони демакдир. Кутубхона ходимлари китобхонлар талабига кўра, эндиликда ушбу маълумотлар базасидан керакли ахборотларни ўз серверларига ўтказишлари мумкин.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОЙИШИ*

# 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва фаолият кўрсатишининг амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базасини, унинг фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясида белгиланган замонавий талаблар, тамойил ҳамда вазифаларга мувофиклигини батафсил ўрганиш;

ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича тайёргарлик ишларини ташкил этишнинг амалдаги тизимига, танлов ҳамда фермерларга ер майдонлари ажратиш ва тақдим этиш механизмига танқидий баҳо бериш. Аризани кўриб чиқиш, даъвогарлар ўртасида танлов ўтказишдан бошлаб то фермер хўжалигини юритиш учун ер майдони бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлашгача бўлган бутун бир тизим қандай ишлашини синчиклаб ўрганиб чиқиш;

қишлоқ хўжалик зоналари, тупроқ унумдорлиги, сув билан таъминланганлик, фермерларнинг тармоқ ихтисослашувини, шунингдек, турли минтақаларда аҳоли зичлигини инобатга олган ҳолда фермер хўжалиги юритиш учун ажратиладиган ер майдонларининг энг кам миқдори қай даражада асосланганлигини таҳлил этиш;

фермерларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес- мактаблар фаолияти қандай ташкил этилганилигига, фермерлар тайёрлаш Дастурини амалга ошириш, ўқув дастурлари савияси ва сифатига, малакали ўқитувчилар билан таъминланганлик даражасига баҳо бериш;

фермер хўжаликлари, тайёрлов корхоналари, шунингдек, фермерларга моддий-техника ресурслари етказиб беришни таъминлайдиган ва хизматлар кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажариш механизмини танқидий таҳлил қилиш. Тузилаётган шартномаларнинг мазмуни аниқ-равшан бўлишига ва қабул қилинган мажбуриятларни бажармаганлик учун томонларнинг жавобгарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилсин;

хўжалик судлари ва бошқа юридик хизматлар фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳимоясини қанчалик таъминлаётганликларини аниқлаш. Фермерлар томонидан ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар томонидан қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашда, ижарага берилган ерлардан мақсадли фойдаланиш талабларига фермерлар риоя этишида ҳуқуқий механизмнинг етуклигига баҳо бериш. Ер майдонларини ажратиш ва олиб қўйиш масалаларида ҳуқуқий тартибот ўрнатиш воситаси сифатида ҳуқуқий механизмдан қанчалик самарали фойдаланилмоқда;

фермер хўжаликларини молиялаштириш ва давлат эҳтиёжлари учун етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун улар билан ҳисоб-китоб қилиш механизмини батафсил ўрганиб чиқиш;

тугатилган ширкат хўжаликлари ҳудудида насос ҳамда бошқа мелиорация ва ирригация ускуналари самарадорлигини оширишни ҳисобга олган ҳолда, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган сув истеъмолчилари уюшмаларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тизимини таҳлил қилиш.

Таҳлил натижаларига кўра ҳар бир вилоят бўйича мазкур масалалар акс эттирилган ҳолда керакли жадваллар билан маълумотномалар тайёрлансин.

3. Махсус комиссия минтақавий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган таҳлилий материаллар, 2003 йил якунлари ва 2004 йилда кутилаётган натижалар бўйича ширкат хўжаликларининг ишлаб чиқариш ҳамда молиявий фаолиятини танқидий таҳлил қилиш асосида 2004 йилнинг 15 декабрига қадар муддатда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича аниқ таклифлар ва 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Дастурини тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 4 ноябрь.

*Олий Мажлиснинг XVI сессияси олдидан*

# ТАБИАТга меҳр — ИНСОНга меҳр



Инсоният йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида мислсиз тараққиёт билан биргаликда улкан муаммоларга ҳам дуч келди. Дастлаб унинг ўзи нашр этган атом бомбаси одамзод бошига катта хавф солган бўлса, кейинчалик радиация таъсири, алал-оқибат, тоза ичимлик сув масаласи ҳам ер юзининг кўпгина жойларида муаммога айланди. Булар, сўзсиз, она табиатга нисбатан бешафқат муносабатда бўлинганлигининг оқибатидир. Айниқса, шўролар даврида бундай муносабат улкан муаммо — Орол денгизи қуришига олиб келди.

Мустақиллик йилларида табиатга бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Айниқса, мамлакатимиз парламенти томонидан унинг ҳуқуқий асослари яратилгани боис табиат билан боғлиқ ҳаракатларда муайян даражада тартиб ўрнатилди. Чунки юқорида айтиб ўтган масалалар ечимини топишда, экологик хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда, биринчи навбатда, зарур шарт-шароитларни белгиловчи ҳуқуқий механизм бўлиши лозим. Масалан, Олий Мажлиснинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси 2000-2004 йилларда тайёрлаган табиат муҳофазасига доир олтита қонунни олиб кўрайлик. Халқ фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган депутатлар муҳокамасидан кейин қабул қилинган ушбу қонунлар нафақат табиатга нисбатан муносабатни, балки борлиққа меҳр туйғуси билан қараш фикрини ҳам шакллантира бошлади.

— Мисол учун «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунни олайлик, — дейди қўмита раиси Қудайберган Жумабеков. — Ушбу ҳужжат туфайли жамиятда инсон ва атроф-муҳитга нисбатан салбий оқибатларнинг олдини олувчи янги ҳуқуқий механизм яратилди. Ёки «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун боис соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг ягона тизими вужудга келди. У Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) доирасида ишлаб чиқилган радиациявий хавфсизликнинг асосий қоидалари ва меъёрлари ҳисобга олингани билан эътиборга лойиқдир.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти кўп жиҳатдан қазилма бойликлар захирасига ҳам боғлиқ. Ундан қандай фойдаланиш тартиблари эса қонунчиликда белгиланган бўлади. Иккинчи чақириқ Олий Мажлис VII сессиясида қабул қилинган «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонун конларни аниқлаш, қидириш ва қазиб олишга сармоялар жалб қилишда маҳсулот тақсимотига оид битимлар тузиш, уларни ижро этиш ва ижрони тўхтатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солди.

Қўмита аъзолари томонидан тайёрланган «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат туфайли чиқиндилардан фойдаланишни жамоатчилик асосида бошқаришнинг ҳуқуқий механизми яратилди. Шунингдек, тармоққа замонавий техника ва технологияларни жорий этиш қонуний кафолатланди. Бундан ташқари, ушбу Қонунда чиқиндиларни ишлатишда экология талаблари ҳам кўрсатилган. Шу билан бирга, мазкур қонун иқтисодий масалаларни, хусусан, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун ҳақ тўлаш масаласида ҳам тартиб ўрнатди, деб бугун бемалол айта оламиз. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунчилигимизда биринчи марта чиқиндиларни ишлатишда экологик хавфсизликка риоя этмаганлар жавобгарликка тортила бошланди. Парламентнинг ўнинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун эса қазилма бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг умумий-ҳуқуқий, экологик асосларини кўрсатиб берди. Депутатлар ишчи гуруҳи қонун ижодкорлиги фаолиятида амалдаги қонунларни такомиллаштиришга ҳам катта эътибор қаратдилар. Жумладан, бевосита қўмита таклифлари билан саккизта қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти ўрганилди. Таҳлиллар сўнгида тавсиялар берилди. Буни қарангки, мамлакатдаги экологик вазиятни бир мунча барқарорлаштириш мақсадида кўрилган бу чора-тадбирлар самараси тез орада кўзга ташланди. Биз сўз юритаётган Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси беш йил давомидаги назорат-таҳлил фаолияти ҳам самарали кечди. Жумладан, Тошкент вилоятининг Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарларида, шунингдек, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида сайёр йиғилишлар ўтказилди. Уларда табиатни муҳофаза қилишда моддий рағбатлантириш услубларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилди.

Айни пайтда парламентимиз Олий Мажлиснинг XVI сессияси тараддуди билан яшамоқда. Ушбу сессия муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам мазкур қўмита ишчи гуруҳи томонидан тайёрланди. Номидан англашилганидек, ушбу лойиҳа қонун мақомини олгач, мамлакатимизда давлат ҳимоясига олинадиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш борасидаги муносабатларни янада тартибга солади. Бу табиатдаги жамики мавжудотни бус-бутунлигича келгуси авлодга етказиш имконини беради.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мамлакатнинг янги ахборот ресурслари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуниси қувонарлики, Миллий кутубхона Республика Олий аттестация комиссияси (ОАК) кўмагида кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳимоя қилинган диссертациялар базасини ишлаб чиқмоқда. Ушбу маълумотлар базаси халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради ва ахборотни қайта ишлаш, қидиришнинг қулай тизимига эга. Шу билан бирга ОАК томонидан 1999-2004 йиллар давомида барча фан соҳалари бўйича ёқланган диссертация ишларининг ноёб маълумотлар базаси тузиб чиқилди.

— Олий аттестация комиссияси томонидан миллий ахборот ресурсларининг яратилиши муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга, — деди Ўзбекистон Республикаси ОАК раиси Муҳсин Муҳиддинов. — Бу база энг аввало, олий ўқув юртларида диссертация устида ишлаётганлар, шунингдек, дарслик ва қўлланмалар ёзадиган ўқитувчилар, профессорлар ва албатта, талабалар учун зарур. Яратилган электрон фонд энг мураккаб вазифаларни ҳал этишда катта самара бериши, шубҳасиз. Қулай ахборот-қидирув тизими керакли маълумотларни ҳатто калит сўзлар орқали ҳам тезкор олиш имконини беради.

Бундан ташқари, маълумотлар базаси доимий янгиланиб туради. Ҳозирданоқ тизимга МДҲ мамлакатларида ҳимоя қилинган диссертацияларни киритиш ишлари олиб борилмоқда. Келажакда хорижий илмий тадқиқотлар ҳам қўшилади. Йил охиригача биз яратган маълумотлар базасини республикамиздаги барча олий ўқув юртларидаги диссертацияларнинг электрон фондларига масофадан туриб кириш тизимини жорий этишни режалаштирганмиз.

**Ўз мухбиримиз.**

Газетада босилмади, аммо...



## Даъво қаноатлантирилди

Жарқўрғонлик К.Мусурмонқулова таҳририятимизга шикоят хати билан мурожаат этиб, туман "Машина трактор" паркида хизмат қилган қизининг дивиденд пулларини ололмаётганини ёзади. Мазкур хат юзасидан яқинда Сурхондарё вилояти ҳокими А.ЭШМУРАТОВ имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда шундай дейилади:

*"Ариза мутахассислар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Фуқаро К.Мусурмонқулованинг қизи Р.Мусурмонқулова ҳақиқатан ҳам 1996-1998 йиллар Жарқўрғон туман "Машина трактор" паркида котиба, кадрлар бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган ва иш даврида жамиятнинг 14 дона 33600 сўмлик оддий акцияларини сотиб олган. 2002-2004 йиллар учун ушбу 14 дона акцияга ҳисобланган 63500 сўм дивиденд пули чиқим ордери билан Р.Мусурмонқуловага тўланган ва шикоятчининг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилган".*

## Иш қайтадан кўрилади

Чироқчи тумани, Аччи қишлоғида истиқомат қилувчи Ў.Жуманазаров ўзига оид суд қарорларидан норози бўлиб таҳририятга шикоят хати йўллаган эди. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг раиси Қ.ТОҒАЕВ имзоси билан келган расмий жавобда таъкидланишича, *шикоятда кўрсатилган важлар иш материаллари билан биргаликда ўрганиб чиқилганда, у батафсил текширилмасдан, иш бўйича тўпланган далилларга объектив баҳо берилмасдан суд қарори бекор қилинганлиги сабабли туман суди раисининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида назорат тартибида протест келтирилган.*

*Иш жорий йилнинг 30 сентябрида жиноят ишлари бўйича вилоят судида протест асосида кўриб чиқилган. Ҳуқуқбузарларга нисбатан чиқарилган Шаҳрисабз туман суди раисининг шу йил 21 июндаги ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун жиноят ишлари бўйича вилоят судининг кассация инстанциясига юборилган.*

# Тунларни сутдек ёритувчи одамлар

*Очерк*

Қабулхонадаги шовқинни эшитиб, у стол тагига ўрнатилган тугмачани босди. Ичкарига юзлари қизариб кетган котиба кирди.

— Нима гап? Ким билан тортишаяпсиз?

— Яна ўша Саша аканинг хотини қабулингизга кирмоқчи. Мен қўймадим. Дикретга чиққан одам уйида ўтириши керак, дедим...

Котиба сўзини тугатмасдан ичкарига малла соч рус аёли кириб олди. Уни кўриб, Зокиржон Холиқовнинг юз-кўзларига табассум қалқди.

— Таътилингиз яхши ўтаяптими? Кичкинтой қалай? Адашмасам, бу еттинчиси эди-я...

Аёл кўзларини пастга яшираркан, лабларининг зийида ним кулги кезинди.

— Йўқ, саккизинчиси. Шу охиргиси ўзи...

Зокиржон ўрнидан туриб, катта столни айланиб ўтди-да, аёлнинг қаршисидаги курсига ўтирди.

— Биласизми, сиз ниҳоятда ажойиб инсонсиз. Котибанинг гапларига парво қилманг. Саккиз нафар фарзанди бор инсонни биз бошимизга кўтаришимиз керак. Ўзим ҳам мана шунинг учун сизни яхши кўраман. Ҳа, айтгандай, Саша ғиди-биди қилмаяптими?

— Қилмай бўпти!.. Одамларнинг ўртасида бош кўтариб юролмай қолдим, мени Қаҳрамон ота қилмоқчимисан, дея минғиллагани-минғиллаган. Бу Сашангиз ғирт ношукур одам. Ё гапим нотўғрими?

Зокиржон яйраб кулди. Кула-кула аёлнинг қўлидаги аризани олиб ўқий бошлади. Қоғозга ун, ёғ, болалар бўтқаси, шакар, конфетлар зарурлиги тўғрисида сўзлар битилган эди.

— Сиз энди уйга бораверинг. Аризангизни расмийлаштириб, эртага кечқурунгача нарсаларингизни етказиб беришади.

* * *

Бугунги кунда «Сирдарё иссиқлик электростанцияси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, деб аталувчи корхона ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида худди инига чўп суқилган ари уясини эслатарди. Русийзабон одамлар ўзларининг азалий юртларига кўчиб кета бошлагандилар. Қаёққа қараманг, талваса ва бесаранжомликни кўрардингиз. «Корхона адойи тамом бўлди. Ўрта Осиёдаги энг йирик нурхона энди тақка-тақ тўхтайди. Маҳаллий миллат вакиллари ишни бир кун ҳам эплашолмайди...» деган бир-биридан ваҳимали миш-мишлар тарқалди. Бекобод, Ховос ва Гулистон шаҳарларидаги темир йўл бекатларидан уй-рўзғор буюмлари ортилган вагонлар Ҳамдўстлик мамлакатларининг турли бурчакларига жўнаб кета бошлади. Ширин шаҳри нурчилар эмас, балки айрилиқлар шаҳрига айланиб қолди. Қувончу андуҳлар, ўпичу кўз ёшлар ана шу воқеликнинг ғаройиб кўринишлари эди.

Корхонанинг тақдири нафақат раҳбарларни, балки шу ерда ишловчи кўплаб кишиларни ҳам дўппини олиб қўйиб ўйлашга мажбур қилди.

— Боболаримиз ер юмалоқ шаклда эканлигини исботлаган, глобус яратган, юзлаб юлдузларнинг жадвалини тузиб чиққан бўлсалар-у, наҳотки, биз ўзимиз ишлаб турган корхонани бошқаролмасак, — деди Исмоил Абдураҳмонов.

— Одам қилган ишни одам қилади, корхона бир кун нари турсин, бир соат ҳам тўхтамайди, — деди Нўъмонжон Раҳмонбердиев.

Ана шу йиғинларда Зокиржон Холиқов ҳам иштирок этар ва атрофидаги ўзи тенги ёшларга қараб, қўрқув ва ҳадик ўринсиз эканлигини юрак-юракдан англаб турарди.

— Яқинда уйда ўтириб, мен билан институт ва техникумларни битириб, бу ерда ишлаётганларни ҳисоблаб чиқдим. Жамоамизда 300 нафардан ортиқроқ иқтидорли ёшлар бор экан. Бизлар, наҳотки, кетганларнинг ўрнини билдирсак? Бизга ишонсаларинг бўлди. Юзларингизни ерга қаратмаймиз, — деганди ўшанда Зокиржон.

Орадан бир йил ўтди. Корхона ишлаб турарди. Икки йил ўтди. Корхона миллион-миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқаришдан тўхтамади. Олис ва яқинларда «Ҳолларингни бир кўрайлик...» деб турганлар бошларини елкалари орасига олишди. Улар мум тишладилар. Улар талқон едилар. Башоратлар ёлғоннинг тўнини кийди. Миш-мишлар томчи сувдек қумга сингиб кетди.

* * *

Телефон жиринглади. Гўшакни кўтарган Зокиржон симнинг нариги учида турган кишининг овозини таниб, юзи нордон олма егандек бужмайди.

— Зокиржон Ёқубович, қалайсиз? Жа соғинтириб юбордингиз-ку! Икки сафар ҳам йиғилишларга муовинингизни жўнатаяпсиз. Тинчликми ўзи? Ё сизни бирор масалада хафа қилганмидик? Оғайни, деб юрибмиз, сизни. Иш деган бундоқ бўлмапти-да. Муросаю мадора, деган гаплар қаёқда қолди?

Суҳбат қисқа муддат давом этди. Лекин ана шу дақиқалар ичида Зокиржоннинг дили бутунлай хуфтон бўлди. Елкаларига кимдир оғир тош бостириб қўйгандек туюлди. Булар қанақа одамлар ўзи? Қиш яқинлигини, корхона ана шу мавсумда табиий газ ўрнига мазут ёқишини билармикин? Уни ғамлаш, хандақларни тўлдириш учун неча-неча ҳафталар керак, ахир? Ҳамма ишни ташлаб, корхонага деярли алоқаси бўлмаган йиғинларга бориши шартмикин? Бу ёқда ечимини кутаётган қанчадан-қанча муаммолар турибди. Гап йиғилишдами? Йўқ, гап садоқатда. Гап ҳуда-беҳуда қилинадиган тавозеларда!.. Қани, мана шундай қилмасдан туриб, ҳар куни соқолини икки маротаба олсин, уларга ёқармикин? Ёки, айтайлик, пўрим кўринмаслик учун бўйинбоғ тақмай юрсин-чи! Бу қилиғи ана шу одамларга хуш келармикин?

* * *

Отаси Ёқубжон ака ва онаси Раънохон аялар уруш айни авж паллага кирган 1943 йилда Қўқондан Фарҳод ГЭСи қурилишига ишга келишганди. Улар сувоқчи-бўёқчи эдилар. Отаси бир умр ана шу ерда ишлади. Онаси олтмишинчи йиллардан сўнг мактабга фаррош бўлиб ишга ўтди. Ҳаёт бор экан, ўлим бўлади. Ҳаёт бор экан, тўю томошалар бўлади. Яхши-ёмон кунларида ҳузурига ариза кўтариб кирган кишиларни кўрганда, у доим Яратган раҳматига олган отасини, онасини эслайди. Оддий одамлар ўзининг қабулига не-не истеҳолалар билан, не-не ўйлар билан киришини у яхши билади.

...Мана бундай бўларди. Қиш кунлари тонг бўзармасдан онаси билан мактабга борар, печкаларга кўмир ёқишарди. Мактабнинг омбори синфхоналардан хийла узоқ эди. Бурунларини аямажуз чимчилаган, ана шу аямажуздан лаблари кўкариб кетган Зокиржон кўмир тўлғазилган челакларни зўрға кўтариб, омборхонага югуриб бориб келар экан, онасининг унга раҳми келиб, кўзларидан ёш чиқарди. «Болам, бу оғир кунларнинг ҳам албатта, роҳати бўлади...» дея унга тасалли беришдан чарчамасди. Зокиржон ёзда ҳам тинмасди. Ҳовли-томорқасига экилган ўтқазилган помидор, бодринг, булғор қалампирларни териб, бозорга элтар, пулига рўзғор учун озиқ-овқат харид қиларди. Тошкент политехника институтида ўқиб юрган етмишинчи йилларнинг адоғида уйдан деярли пул бормасди. Якшанба кунлари одамларнинг деворини кўтарар, иссиқхоналарда ишлар, хуллас, нимаики иш бўлса, барини қилиб кетаверарди. Агар Толлимаржондаги уч-тўрт йиллик ҳаётини ҳисобламаса, унинг асосий фаолияти ўзининг жонажон корхонаси билан ажриқнинг томиридай бирлашиб, чирмашиб кетганди. Одам боласи оғир дамларда бир-бирига елка тутиши унга болалик йилларидан жуда яхши таниш эди.

* * *

Тушликка кетаётиб, дарвоза олдида бундан бир неча йил муқаддам Қозоғистонга кўчиб кетган Роберт Ни исмли корес йигитини кўриб қолди. Узоқ йиллар бирга ишлаган танишининг кўзида қандайдир бир ҳаяжон ва тараддуд бор эди.

— Зокиржон, мен разведкага келдим. Оилам ҳамон Қозоғистонда. Йўқ, демасаларинг, ишга қайтмоқчиман... Очиғи, бу корхона нақд жигаримдан урган экан. Сизларни сира унутолмаяпман. Биламан, менга ўхшаган операторларга ҳозирги кунда унчалик муҳтож эмассизлар...

Роберт бир олам гапларни айтиб ташлади. Зокиржон мийиғида кулиб унинг гапларини эшитар экан, бир ой олдин Германиядан қўнғироқ қилган Рибникова Роза Генриховнанинг дардлари ёдига тушди. Корхонада ҳисобчи бўлиб ишлаган Роза опа оқибат тўғрисида куйиб гапирганди. Таниш-билишларни йиғлаб эслаганди. Ўзбекистон ҳақида тилидан бол томиб сўзлаганди. Робертни, албатта, ишга олишади. Бу тўғрида гап бўлиши мумкин эмас. Ахир, эгилган бошни қилич кесмайди, дейишган-ку? Собиқ жамоасига шунчалик меҳрибон инсонни ким ҳам кўчада қолдирарди?

— Ҳар йили ўнлаб ёшларни техника университетига пул тўлаб ўқишга жўнатаётган экансизлар. Эргаш Раҳматиллаевич Шоисматов кўмагида ўқув маркази очибсизлар. Шуларни эшитиб, худди ўзим шу ерда ишлаётгандай бирам хурсанд бўламанки, сира охири йўқ. Хўш, нима қилай, уйдагиларимга «Тайёргарлик кўраверинглар, Ширинга кўчамиз», дея хабар бераверайинми?

* * *

Нимадир «тақ» этди. Зокиржон ҳар соатда корхона неча миллион киловатт ток ишлаб чиқарилаётганлигини кўрсатувчи магометрга қаради. Унинг тиллари бир оз орқага қайтганди. Корхонанинг ички алоқа тизими билан бош муҳандис Халил Эмирусеновичга уланди. Ва тўққизинчи блокнинг қувури ёрилганлигидан хабар топди.

— Мутахассисларни йиғинглар. Беш минутдан сўнг ўша ерда бўламан.

— Костюм ва темир қалпоқни кийиб, кабинетидан энди чиқаман, деган пайтда телефон жиринглади.

— Зокиржон Ёқубович, бу менман, таниган бўлсангиз керак... Мен шунчаки холис бир гапни айтиб қўймоқчиман. Ҳар ким билан ҳадеб жиққамушт бўлаверманг. Шуни айтиб қўяй, деб сизни безовта қилаяпман. Тўй бўладими, туғилган кун бўладими, кўриниб туриш керак. Шаҳарда оддий ишчисининг ўлик-тиригида бош бўлиб туради-ю, бизларни писанд қилмайди, деган гап-сўзлар юрибди. «Ҳа, ука, ҳа, ака» десангиз, олам гулистон. Айтишган-у, лўлининг эшагини суғор-у, пулини ол, деб. Гулистону Тошкентдаги катталарга ишонади, деган гапларга ўрин берманг. Бегона бўлганингизда бу гапларни айтиб ўтирмасдим. Акам бўласиз, акам...

— Мен кимга ишонар эканман? Менинг кимим бор экан. — Зокиржондан бошқа одам бўлганда бу гапларни тутақиб айтарди. Бақириб айтарди. Суҳбатдоши унинг босиқлик билан айтган жавобини эшитиб, бир зум жим қолди. Кейин эса ташқарида кимдир чақираётганлигини айтиб, хайр-хўшни қисқа қилди.

Бу ҳолга кулиш керакми ёки йиғлаш? Буни Зокиржон билмасди. Балки бошқа соҳада қўллаб-қувватлаш, таниш-билишчилик қилиш, деган нарсалар бор бўлса, бордир. Энергетика соҳасида бундай қилвирликлар жуда хавфли ўйин ҳисобланади. Миллион-миллион киловатт-соат ток билан муомала қиладиган танишингни бирор масъулиятли участкага раҳбар қилиш учун, аввало, унда малака, иқтидор ва яна ўнлаб хислатлар бўлмоғи шарт. Акс ҳолда юзлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлиш ҳеч гап эмас. Писанда қилса қилар. Сохта меҳрибончилик қилса қилар — тишни тишга қўймоқ керак. Бунақанги майда-чуйда нарсалар билан ўралашиш вақтни, умрни елга совуриш билан баравар. Нимага айрим одамлар бунчалар ҳасадгўй, ичи қора бўлишади? Чиққан қуёш бошқалар каби уларни ҳам нур билан баравар сийлайди-ку? Наҳотки, ой нурлари уларни камроқ эркаласа, камроқ сийпаласа? Нега улар бу ёруғ дунёда мана шунақанги бўлиб яралиб қолишган?

* * *

Икки кун ишда қолиб кетди. Ниҳоят, тўққизинчи блок ҳам ишга тушди. Риштондаги кулолчининг чархини айлантириб, ўнлаб турдаги идиш-товоқни пиширувчи, Маржонбулоқдаги олтин конининг юзлаб асбоб-ускунаю техникаларига жон бағишловчи, Сурхоннинг Бойсунидаги чўпон ўтовини тунлари ҳам сутдай ёритувчи корхона яна бир маромда ишлай бошлади. Кафти билан юзларини ишқалаб кўриб, уйига бормаса бўлмаслигини сезди. Машинани, айланиш бўлса ҳам, корхона ёнидаги баланд кўприк устидан ҳайдатди. Ҳозир у пастга тушади. Энг баланд нуқтадан пастга тикилади. Зокиржоннинг бу одатини ҳайдовчи яхши билади. Беш-ўн дақиқа, баъзан ундан ҳам кўпроқ муддат давомида у пастга тикилиб тураверади. Ўтга чидамли ғиштлардн қурилган учта турбинанинг қизил чироқлари милтиллаб ёнар, гўёки осмондаги юлдузлар билан нималарнидир шивирлашаётгандай туюларди. Ана, ишчилар билан тўлган автобус шаҳарга қараб йўл олди. Бир тўда одам эса велосипедлар қўнғироғини жиринглатиб автобусга эргашди.

Зокиржон бу одамлар неча-неча йиллар мавсумда кўнгилга яқин, сўз билан таърифлаб бўлмайдиган даражада қадрдон бўлиб кетганлигини ўйлаб, дили равшан тортди. Икки қўлининг кафтини кўприк панжараларига оҳиста уриб қўйди. Гўё мана шу ҳаракати билан «тонггача хайр» дегандек бўлди. Қоп-қора тўнини елкасига ташлаганча хўмрайган тун ҳадемай тонгнинг мунаввар нурларидан эриб, суюлиб қайларгадир бош олиб кетди. У тўн киймаганидан пушаймон бўлди.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Хазонлар шивирлар жимгина...
Абдуваҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) сурат-лавҳаси.

# «ТУРОН» дунёга танилмоқда

"Турон" якка кураши мамлакатимизнинг миллий спорт турларидан саналади. Унинг "Турон" деб аталиши бежиз эмас. У "кучли", "қўрқмас" маъноларини билдиради. Бу кураш тури узоқ тарихга эга. Олимлар томонидан Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳудудида амалга оширилган археологик қазилмалар давомида жанговар спорт турлари билан шуғулланган кишиларнинг тасвирлари топилган.

Машҳур алломалардан Ат-Термизий, Ал-Хоразмий ва бошқалар ўз асарларида жанговор санъат усулларини эгаллаган полвонлар ҳақида маълумотлар ёзиб қолдиришган. Манбаларда таъкидланишича, соҳибқирон Амир Темурнинг енгилмас аскарлари ҳам "Турон" якка кураши сирларини пухта эгаллаган экан.

Ҳозир якка кураш дунёдаги энг оммавий спорт турларидан ҳисобланади. Бугунги кунда дунёда икки юздан ортиқ якка кураш турлари бор. Масалан, Японияда дзюдо, каратэ, сумо, Хитойда ушу, Кореяда таэквондо, Россияда самбо, Бразилияда капайэро каби турлари бор.

*Миллий қадриятларимиз*

Ушбу спорт тури бўйича ўтган қисқа вақт давомида беш нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, ўттиз нафар республика тоифасидаги спорт усталари тайёрланди.

1996 йили ЮНЕСКО томонидан ташкиллаштирилган Бутунжаҳон миллий спорт ва халқ ўйинлари фестивалида мамлакатимиз вакиллари илк бор иштирок этди. Фестивалда "Турон" якка кураши ўзининг ажойиб усуллари ва жозибадорлиги билан кўплаб мамлакатлар мутахассисларида қизиқиш уйғотишида спортчиларимизнинг маҳорати омил бўлди. Хусусан, Жамолиддин Дадахўжаев, Темур Фаттоҳов, Эркин Акромов ва бошқа спортчиларимизнинг кўргазмали чиқишлари 140 дан ортиқ мамлакатнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилди. 2001 йили ўтказилган халқаро жанговар санъат фестивалида ўзбекистонлик "Турон"чилар "Мухлислар эътирофи" совринига сазовор бўлди.

— Миллий курашимиз сингари "Турон" якка кураши ҳам тезлик билан дунёга танилиб бормоқда, — дейди республика "Турон" якка кураши федерацияси президенти Баҳодир Саидов. — Ҳозирда Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Латвия, Молдова, Белоруссия, АҚШ, Германия, Исроил, Голландия, Бельгия сингари дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатида "Турон" якка кураши клублари мавжуд. Кўплаб халқаро миқёсдаги мусобақалар ташкиллаштирилаётир.

"Турон" якка кураши жонкуярлари унинг нуфузини ошириш бўйича кўплаб амалий ишларни бажаришмоқда. Яқинда Нукусда унинг ягона бошқарув тизимини йўлга қўйиш мақсадида Марказий Осиё давлатлари вакиллари иштирокида таъсис конгресси бўлиб ўтди. Мазкур конгрессда "Турон" якка курашининг Осиё ассоциациясига асос солинди. Ўйлаймизки, азалдан кураги ерга тегмаган полвонлар маскани ҳисобланмиш Ўзбекистонда спортнинг бу тури ҳам жадал ривожланиб, дунёдаги энг оммавий спорт турлари қаторидан жой олади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**



## Менинг она юртим

Ҳиндистон маданияти маркази ҳамда Ўзбекистон рассомлар уюшмаси ташаббуси билан Темур Лашиновнинг кўргазмаси очилди. Марказнинг кўргазмалар залида бўлиб ўтаётган ушбу намойиш "Менинг она юртим" деб номланади.

— Бўш вақтларимда расм чизиш менинг энг яхши кўрган машғулотим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Устозим Маҳмадали Пўлатов менга жуда катта ёрдам беради. Барча ютуқларимни унинг меҳнати самараси, деб биламан.

Мусаввирнинг "Тоғ дарёси", "Баҳор келди", "Ёш ҳаваскорлар", "Табиат тасвири" каби расмлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА.**

# ТОПИНАМБУР — ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

***Гапнинг индаллосида иккита далил келтирайлик:***

***Биринчиси — мутахассислар маълумотига кўра ер куррасида умумий беморларнинг ўртача олти фоизида қандли диабет хасталиги аломатлари кўзга ташланади. Ўзбекистонда ҳам бу касаллик қарийб шу даражада учрайди.***

***Иккинчиси — Канада мамлакатидаги йирик шаҳар марказида биз учун ҳали яхши маълум бўлмаган топинамбур ўсимлигига ҳайкал қўйилган. Бунинг сабаби шундаки, ана шу ҳудудда маълум муддат қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, барча экинлар қовжираб қолган, очарчилик элга хавф солган, одамларнинг силласи қуриган. Ўша пайтда топинамбур уларнинг жонига оро кирган. Бир экиб қўйилса, қирқ йилгача қайта ўсиб чиқиб, ҳосил бераверадиган бу ўсимлик сувсизликка чидамлилиги билан ажралиб туради. Унинг "картошка"сини хомлигича, қайнатиб, қовуриб ейиш мумкин. Қуритилган ҳосилидан ун тайёрлаб, нон ва бошқа неъматлар пиширилади.***

Газетхонда қандли диабет касали билан топинамбур ўртасида қандай боғлиқлик бор экан, деган савол туғилиши табиий. Ҳамма гап шунда. Сўз юритилаётган ўсимлик юқорида таъкидланган хосиятлардан ташқари "картошка"си, барги, гули, поясининг кимёвий таркиби макро ҳамда микроэлементларга бойлиги туфайли олимлар томонидан илмий жиҳатдан чуқур ўрганилган.

Тиббиёт тили билан фикрласак, инсон ҳаётий фаолияти учун ғоят зарур ҳисобланган энергиянинг катта қисми унинг организмида глюкоза моддаси парчаланиши жараёнида ҳосил бўлади. Асаб бузилишлари, модда алмашинувининг издан чиқиши ва бошқа омиллар сабабли одам вужудидаги ҳужайралар глюкоза моддасини тўлиқ парчалаб, ўзлаштириб беролмай қолади. Оқибатда ҳужайраларда энергия — куч-қувват етишмовчилиги вужудга келади. Организм яшаб қолиш учун курашни давом эттиради. У модда алмашинувини қайта қуради. Холестерин, ёғ кислоталари, триглицеридлар, оқсил ҳамда ёғ алмашинувининг бошқа моддалари, аминокислоталар энергия ҳосил қилувчи асосий манбалар бўлиб қолади. Ўзлаштирилмаган глюкоза эса ёғ алмашинуви озуқасига айланади. Шунинг оқибатида одам вужудида ёғ кўпайиб, вазни ошади. Томирлар қисилиб, торайиб, қон айланиши мароми бузилади, қуйилиб қолади. Ана шу ва бошқа ҳолатлар қон босими кўтарилишига, қандли диабет, юрак-қон томирлари билан боғлиқ бошқа касалликларга олиб келади.



Таркибида 17-20 фоиз табиий инулин моддаси бўлган топинамбур ўзининг шифобахш хусусиятлари билан юқорида айтиб ўтилган хасталикларни даволаши ва олдини олиши олимлар томонидан эътироф этилган. Халқ тилида ер ноки, деб аталадиган бу неъмат таркибидаги инулин мураккаб углевод бўлиб, тузилишига кўра глюкозанинг полимерлари бўлмиш крахмал ва клетчаткага ўхшаб кетади. Улардан фарқли ўлароқ 95 фоизини фруктоза ташкил этади. Айни шу хосияти туфайли қанд касалини даволашда жуда асқотади. Чунки инулин молекулалари ва клетчатка овқатлангандан сўнг ҳосил бўладиган глюкоза билан бирикиб, унинг қонга сўрилишига тўсқинлик қилади. Бу билан қонда глюкоза — қанд моддаси кўпайишининг олдини олади. Инулин тўқималарга сўрилиб, ҳужайраларни энергия билан таъминлайди. Топинамбур таркибидаги кремний, руҳ ва калий моддалари қандли диабет билан енгил ва ўрта даражада оғриган беморлар ошқозон ости безининг инулин ишлаб чиқариш жараёнини яхшилайди. Бу эса инсулин уколига бўлган талабни камайтиради ва кўп ҳолларда умуман эҳтиёж сезилмайди. Демак, бундай беморлар сунъий инсулин олиш орқасидан келиб чиқадиган кўпгина асоратлардан халос бўлишади.

*Биз билган, билмаган олам*



Ер ноки ва бу ўсимлик баргида мавжуд бўлган ғоят фаол физиологик бирикмалар инсон ҳаётига хавф соладиган турли касалликларнинг олдини олишда, даволашда муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, у одам организмида кремний моддаси бўлган каллоидларни вужудга келтириб, пешоб йўлларида, буйрак, бўғимларда туз, "қум", "тош" ҳосил бўлишини бартараф этади. Ана шу неъматнинг яна бир улуғ хосияти — қоннинг таркибини яхшилаб, уни суюлтириб, бутун танада тез айланишига шароит яратади. Бу — томирлар тизимида, шу жумладан, мияда қон яхши юришмай, "тиқин" бўлиб қолишига йўл қўймайди, яъни инсультнинг олдини олади.

Бу ўсимлик ўлкамизда ҳам ўтган асрнинг саксонинчи йилларида баъзи жойларда экилган бўлиб, ўша пайтда оммалашмаганди. Кейинги етти-саккиз йилда унга бўлган эътибор кучайди. Тошкент вилоятининг Зангиота, Тошкент, Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманларида, Самарқандда, Жиззахда ва бошқа жойларда топинамбурни етиштирувчилар кўпайиб қолди. Олти-етти йилдан бери Тошкентнинг Эски Жўва деҳқон бозорида куз, қиш, баҳор ойларида тўрт-беш жойда ер ноки сотилади.

Маълумки, бу ўсимлик март ойи охири — апрелда экилиб, ҳосили асосан октябр-ноябрда қазиб олинади. Агар оила ўзининг ички эҳтиёжи учун ҳовли-жойга ёки дала-чорбоққа эккан бўлса, ҳар сафар бир-икки ҳафтага етадиганини қазиб олиб, қолганини март-апрелгача тупида сақлаб туриши ва бу неъматдан етти ойгача янги кавланган ҳолатда фойдаланиши мумкин. Шу ўринда топинамбур 40 даража совуққача ерда музламаслигини таъкидлаш зарур. Кунлар исиб кетгач, ер нокини қизиган тупроқда қолдириш мақсадга мувофиқ эмас. Одамлар эҳтиёжи ер нокидан фармацевтика, медицина талабларига тўла жавоб берадиган кўринишда, йилнинг барча фаслида, зарур пайтда дорихонадан сотиб олиш имконияти яратишни тақозо этмоқда. Шундай ўй-фикрлар билан Тошкент Фармацевтика институтида бу борада қандай илмий-тадқиқотлар олиб борилаётганлиги билан қизиқдик.

Институтнинг ноорганик, физик ва каллоид кимё кафедраси мудири, кимё фанлари доктори, профессор Собир Неъматович Аминов раҳбарлигида ер нокидан қандли диабет касаллигини даволашда қўлланиладиган дорини яратиш устида изланиш олиб борилаётганлигидан хабардор бўлдик.

— Бирон-бир дорини яратиш, уни тегишли назорат идоралари тасдиғидан ўтказиш, синаб кўриш, кўплаб ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш машаққатли ва масъулиятли жараён, — дейди С.Аминов. — Чунки бу масала инсон учун ғоят азиз бўлган саломатлиги ва ҳаёти билан боғлиқ. Шу боис дори тайёрлаш учун танланган хом ашё — кўплаб йўналишлар бўйича чуқур текширилиб, инсонга қандай таъсир этиши ва қолдириши мумкин бўлган асоратлари атрофлича ўрганилади. Ер нокига ҳам айнан шундай ёндошилди. Биохимик, фармакологик ва бошқа жиҳатлардан илмий-тадқиқотлар ўтказилди, стандарт талабларига жавоб беришига эътибор қаратилди. Ер нокини қуритиб, дори учун материал тайёрлаш технологияси яратилиб, лаборатория шароитида уни олиш йўлга қўйилди. Барча тадқиқотлар ниҳоясига етказилиб, ижобий натижага эришилганидан сўнг тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дориларни белгиланган тартибда ўрганиб, рўйхатдан ўтказиш идораси — фармкомитетга ҳавола қилинди. Бу ташкилот асосан маъқуллади ва баъзи йўналишлардаги тадқиқотларни чуқурлаштириб, натижаларини аниқлашни тавсия қилди. Бу ишни ҳам ниҳоясига етказиш арафасидамиз. Изланишларимиз яқин орада рўёбга чиқади деган фикрдамиз.

**Суннатилла САЙДАЛИЕВ.**


ХАРИДОРЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА !

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги 04-7-50 баёнига биноан

шу йил 16-19 ноябрь кунлари

Тошкент шаҳридаги «Халқ истеъмол моллари регионал ярмаркаси»да, Навоий кўчаси, 25-уй

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «ЎзМАДпарранда» компаниялари, «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси, «Озиқовқатсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари, хусусий тадбиркорлар ва «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акционерлик компаниялари томонидан 2005 йилда ишлаб чиқариладиган сут, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, спиртли ва алкоголсиз ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларга республика ҳудудида жойлашган барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш учун

улгуржи-савдо ЯРМАРКАСИ ўтказилади.

Ушбу ярмаркага барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

Ярмаркага марҳамат !

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси



100538/2469

ТЕЛЕФОНЛАР: 139-46-97, 139-48-26 139-49-00, 139-43-66.



Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига ! Товар сертификатланган


«ГАЗ-31105»

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.


«ИЖ-2717»,


«ВАЗ-2106»

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.


«ГАЗЕЛЬ»

9988R/2412



O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.




Товар сертификатланган



Агентство "УЗСТАНДАРТ" | Международный сертификационный орган RWTÜV | АВЭС Республики Узбекистан | MS Consult — Единственная консалтинговая компания в Узбекистане, имеющая международный сертификат ISO 9001

ПРИГЛАШАЮТ ДИРЕКТОРОВ ПРЕДПРИЯТИЙ НА СЕМИНАР,
*посвященный Международной неделе качества*

"Качество - основа конкурентоспособности предприятия".

*Семинар состоится 16 ноября 2004 г. с 9-30 до 12-00 в Международном Бизнес-центре (ориентир: отель "Интерконтиненталь").*

Для участия в семинаре необходимо зарегистрироваться.

Тел/факс: (998 71) 136-55-34, 152-76-71 (998 97) 111-07-49.
e-mail: info@ms-consult.uz, ms-consult@mail.ru
www.ms-consult.uz

Вопросы семинара
Зачем нужно внедрять ISO 9001?
Как внедрять СМК по ISO 9001?
Сколько стоят консалтинговые услуги?
Как сократить стоимость услуг ?
Сколько времени необходимо на внедрение СМК по ISO 9001?
Где и когда можно сертифицировать СМК по ISO 9001?
Сколько стоят сертификационные услуги?

100546/2143


Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ДБҚ раиси ўринбосари Садирхон Насировга онаси

**НАСИБА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Шарқ» НМАК жамоаси газета комплекси бошлиғи Ҳабибулла Турсунов ва офсет босма цехи матбаачиси Убайдулла Турсуновларга онаси

**Шаҳодат СУЛТОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон телевидениеси Хатлар бўлими ходими Гулчеҳра Мирзаҳакимовага онаси

**Зулфия МИРЗАҲАКИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши жамоаси бўлим бошлиғи Зафар Раҳимжоновга падари бузруквори

**ЁҚУБ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг собиқ сектор мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи

**Фаварис ҚАЮМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Республика Онкология илмий маркази жамоаси Урология бўлими мудири

**Хайрулло ХАПИЗОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

---

«Ўзбекэнерго» ДАК жамоаси «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси гидротехник иншоотларни ишлатиш хизмати бошлиғи Шавкат Бобохўжаевга акаси

**Пўлат БОБОХЎЖАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[i]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни —22.00 Топширилди —22.00 2 3 4 5 6